O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 13 OKTABR ◆ SHANBA ◆ № 121 (26.823)

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТАШАББУСГА УНДАДИ

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали жаҳон халқлари санъаткорларини мужассам этган улкан ва нуфузли халқаро маданий тадбир экани бугунги кунда бутун дунёда ўз эътирофини топган. Шуниси қувонарлики, дунё жамоатчилиги қалбидан муносиб жой олган ушбу халқаро мусиқа анжумани янги ташаббусларга ҳам туртки бўлмоқда.

Хитой миллатига мансуб америкалик машҳур мусиқачи Йо Йо Ма томонидан тақдим этилган «Буюк ипак йўли» фестивали ташаббуси бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Мазкур фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Буюк ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларнинг маданиятини, хусусан, уларнинг санъатини ўрганиш ва жаҳон узра тарғиб-ташвиқ этиш, инсоният бир-бирини янада яхши, яқиндан билишига хизмат қилиш ҳамда Шарқ маданиятининг Ғарбга бўлган таъсирини кўрсатиб бериш билан изоҳланади.

«Буюк ипак йўли» фестивали дастурида катта концертлар, фестиваллар ва илмий конференциялар ташкил этиш, бундай тадбирларни Шимолий Америка, Европа ва Осиёнинг турли мамлакатларида ўтказиш кўзда тутилади. Дастурга биноан, икки йил давомида Нью-Йорк, Сиэтл, Берклей, Вашингтон, Чикаго (АҚШ), Торонто (Канада), Амстердам (Голландия), Милан (Италия), Кёльн (Германия), Брюссель (Бельгия), Париж, Лион (Франция), Япония ва Хитойнинг бир қатор шаҳарларида ана шундай мусиқа анжуманларини ўтказиш режалаштирилган.

«Буюк ипак йўли» фестивалларидан бири 2002 йилнинг январь-февраль ойлари Брюсселда бўлиб ўтади. Дастурга кўра, унда бошқа кўпгина мамлакатлар санъат усталари қаторида ўзбекистонлик санъаткорлар — Муножот Йўлчиева, Норбек бахши, Зиёда Шарипова, Инжигул Собирова ҳамда композиторлар Мустафо Бафоев ва Дмитрий Янов-Яновскийлар иштирок этади.

■ «Жаҳон» АА

САЛОМАТЛИККА НИМА ЕТСИН

Она-бола қанча соғлом бўлса жамиятимиз, ватанимиз шунча кучли, бой, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлади. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам асаб касаллигига чалинган хотин-қизларни даволаш учун барча имкониятлар яратилган. Хусусан, Хўжайли туманидаги хотин-қизлар «Мурувват уйи» янги замонавий лойиҳаларда қурилиб фойдаланишга топширилди.

«Мурувват уйи» атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди.

— «Мурувват уйи»да асаб касаллигига чалинган 183 хотин-қиз даволанмоқда, — дейди «Мурувват уйи» директори Собир Разакбердиев. — Уларга малакали шифокорлар, ҳамшираллар хизмат қилмоқда. Ётоқхоналар, маданий-маиший хоналар қулай жиҳозлар билан таъминланган. Физиотерапия, акушер-гинекология, тиш касалликлари, қора балчиқ билан даволаш каби хоналар замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга. Қорақалпоғистон «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти шартнома асосида зарур дори-дармонларни етказиб турибди.

Оталиқ ташкилотлар даволанаётганларга мадад қўлини чўзмоқда. 30 гектарли ёрдамчи хўжаликда 32 бош қорамол бор. Етиштирилаётган сабзавот, қовун-тарвуз, гўшт, сут маҳсулотларидан беморлар манфаатдор.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати халқаро терроризмни тинчликка, шунингдек, глобал ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф деб биладилар. Шу муносабат билан улар шу йил 7 октябрь куни терроризмга қарши курашда икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратадиган Битимни имзоладилар. Нафақат Марказий Осиё халқлари учун, балки бутун дунё аҳли учун анчайин хавфсиз келажакни яратиш йўлида мамлакатларимиз ўзаро яқинликда иш олиб борадилар.

Бизнинг умумий курашимиз афғон халқига қарши эмас, балки терроризмга қарши йўналтирилган ва биз Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қиламиз. Биз, шунингдек, халқаро терроризм ва унинг инфратузилмалари йўқотилишининг тарафдорларимиз. Шу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси ўз ҳаво кенглигидан ҳамда ўз аэродромларидан биринг зарур ҳарбий ва фуқаро инфратузилмаларидан фойдаланиш учун розилик берди. Улардан биринчи навбатда инсонпарварлик мақсадларида фойдаланилади.

Бизнинг ҳукуматларимиз хавфсизлик ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ишига узоқ муддатли содиқлигига асосланган сифат жиҳатдан янги муносабатларни ўрнатишга қарор қилди. Биз терроризмга қарши курашда яқин ҳамкорлик зарурлигини тушунамиз. Бу Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигига тўғридан-тўғри хавф туғилган ҳолатда муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлашувлар заруратини ҳам ўз ичига олади.

ҚАРШИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Қарши шаҳридаги марказий теннис корти қарийб бир ҳафтадан буён мухлислар билан гавжум. Чиройли қилиб безатилган, турли мамлакатларнинг байроғи ҳилпираб турган бу ажойиб масканда ҳар куни спортчилар ва улар мухлисларининг ҳайқириғи эшитилиб турибди. Бу ерда теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда. Тўртинчи маротаба ўтказилаётган бу турнирда Россия, Марокаш, Исроил, Болгария, Польша, Белоруссия каби дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан 70 га яқин спортчи иштирок этяпти.

Саралаш мусобақалари, иккинчи босқич баҳсларидан сўнг қозоғистонлик Алексий Кидрюк, исроиллик Лиор Дахан, словакиялик Юраж Хаско, белоруссиялик Александр Швец чорак финалга чиқди. Жуфтлик баҳсларида эса финалда словакиялик Виктор Брутонс ва Бранислав Сокач россиялик Крил Иванов-Смоленский ва юртдошимиз Дмитрий Томашевич жуфтлигига рўбарў келади.

Мусобақа қатнашчилари ва мухлислардан айримларини суҳбатга тортдик:

Андрей Кисарев (Москва шаҳридан, тренер): *— Мамлакатингиз Президентининг ташаббуси билан кейинги йилларда юртингизда тенниснинг ривожига жиддий эътибор берилаётгани қувонарлидир. Спорт мамлакатни дунёга тез танитади. Республикангизнинг чекка вилоятларидан бири Қарши шаҳрида бўлиб ўтаётган теннис мусобақаси фикримнинг исботидир. Бу ерда теннис мухлислари жуда кўп экан. Корт ҳамиша гавжум.*

Михаил Чауденили (Грузия): *— Қаршида мусобақаларни ўтказиш учун яхши тайёргарлик кўрилган. Мени хурсанд қилган нарса — юртингиздаги тинчлик, осойишталик, одамларнинг тетик кайфияти, меҳмондўстлиги. Келгусида мамлакатингиздан жаҳонга таниқли ракетка усталари етишиб чиқишига ишонаман.*

Фармон Омонов, Олий Мажлис депутати: *— Спорт — дўстлик элчиси, дейишади. Қаранг, теннис туфайли юртимизга қанча хорижлик спортчилар ташриф буюришди. Улар мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини, тинчлик-осойишталикни ўз кўзлари билан кўришди. Ўйлайманки, улар бу ҳақда ҳамюртларига сўзлаб беришади. Шундай бир вазиятда айрим хориж оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида тарқатилаётган нохолис ахборотлар кишини ранжитади. Гўё қўшни Афғонистонда бўлаётган воқеалар туфайли Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларида одамлар безовта эмиш. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, вилоятимиз марказида халқаро турнир ўтказиляпти, чет эллик номдор теннисчилар хотиржам, спортга хос жўшқин кайфият билан кортга чиқишмоқда. Фақатгина тинчлик барқарор юртдагина бундай халқаро мусобақалар бўлиб ўтиши мумкин.*

Тўғри, биз жаҳонда бўлаётган воқеаларни очиқ кўз билан кузатиб турибмиз. Террорчиларга нафратимиз чексиз. Халқимизни ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишга чорлаймиз. Қаршида ўтаётган теннис мусобақаларини кузата туриб, одамларнинг кайфиятини кўриб, фикр-мулоҳазаларини эшитиб, хурсанд бўласиз, Оллоҳга шукр, дейсиз. Бизнинг халқимиз фақат тинчлик бўлишини истайди. «Фьючерс» турнири ҳам тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугун халқаро турнир ниҳоясига етади. Голибларни тантанали тақдирлаш, мукофотлаш маросими ўтказилади.

■ **(ЎзА)**



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ТЎКИНЛИК

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

СУВСИЗЛИККА БАРДОШЛИ ЯНГИ НАВ

Ўзбек пахтачилигида яна бир янгиликка эришилди. Республика Пахтачилик илмий-текшириш институтининг Сурхондарё вилоят бўлимида узоқ изланишлардан сўнг янги «Денов» пахта нави яратилди.

— Бу элита нав «Наманган-77» ва «Термиз-31» пахта уруғларини чатиштириш орқали олиниб, шу йилнинг 9 апрелида Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалиги далаларида экилган эди, — дейди институт бўлим мудири Вячеслав Истомин. — Натижа биз кутгандан ҳам самарали бўлди. Аввало, бу нав сувсизликка чидамли, серҳосил ва эртапишар. Турли ҳашарот ва касалликка чидамли. Толасининг узунлиги — 34 мм., чиқими эса 47 фоиздир. 1000 дона чигитнинг вазни — 90 грамм. Ёғлилик даражаси юқори.

«Денов» нави бошқа пахталардан тубдан фарқ қилар экан, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Хидир Тоғаев. — Бўйи ўртача 125-130 см., 98-100 кунда ёнпасига очилади. Кўсаклар сони ҳар бир тупда 25-40 тани ташкил этмоқда. Энг асосийси, сувни кам талаб қилганидан 7 сотих тажриба майдонидаги ғўзалар деярли суғорилмади, ҳисоб. Биз бу майдондан 30, уч марта суғорилган 3,5 гектарга яқин ердаги пахтадан эса 60 центнердан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.

Янги нав келгуси йили хўжаликнинг 50 гектар пахта майдонига экилади.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

КОФИ АННАН — НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Кофи Аннан. Бу икки номни доимо биргаликда ишлатамиз. Жаҳоннинг нуфузли мукофотларидан бири бўлган Нобель мукофотининг навбатдаги 2001-совриниҳам бу икки номни ажратолмади. Кеча жамғармасининг ташкилий комиссияси Кофи Аннан ва БМТни ушбу юксак мукофотга лойиқ кўрганлигини эълон қилди. Бу БМТнинг кейинги йиллардаги фаолиятига берилган муносиб баҳо десак, янглишмаймиз. Кофи Аннанга келадиган бўлсак, у ҳозир 63 ёшда. 1997 йилдан буён ушбу нуфузли ташкилотга раҳбарлик қилиб келмоқда.



«Нобель—2001» мукофотига даъвогар 136 нафар номзод орасида қуйидаги номларни учратиш мумкин: америкалик дипломат ва сиёсатчи Ричард Холбрук, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Хитой ҳаракати асосчиси Фалуньгунь Ли Хунчжи, собиқ АҚШ Президенти Жимми Картер, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Куба президенти Фидель Кастро ва бошқалар.

Айтганча, бу йилги мукофот жамғармаси 10 миллион швед крони (934 минг АҚШ доллари)ни ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, Нобель мукофоти 1901 йил ташкил этилган бўлиб, унинг илк совриндори Халқаро Қизил Хоч ташкилоти асосчиси, швейцариялик Жан Анри Дюнан бўлган.

НАМОЙИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Покистонда АҚШнинг Афғонистондаги ҳарбий операциясига қарши оммавий намойишлар давом этмоқда. Хабарларга кўра, Карачи шаҳрида намойишчилар полициячиларни тошбўрон қилган ва америкаликларга қарашли «Кентукки фрейд чиккен» ресторани ва бошқа бир қанча биноларни ёқиб ёш оқизувчи газ ишлатмоқда.

МИШ-МИШНИНГ КУЧИ

Миш-мишлар ўз кучини кўрсатмоқда. Швейцария ахборот манбаларида Усама бин Лоднинг асирга олингани, аммо тасдиғини топмаган хабар Милан хомашё биржасида қимматбаҳо қоғозлар нархи ошиб кетишига сабаб бўлди. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, қимматбаҳо қоғозларнинг қимматлашуви Европанинг айрим бошқа биржаларида ҳам кузатилган.

КОМИССИЯ ХУЛОСАСИ

«ТУ-154» авиалайнери ҳалокати сабабларини ўрганиш бўйича ташкил қилинган Россия ҳукумат комиссияси ўз ҳисоботини эълон қилди. Комиссия ҳалокат Украина мудофаа кучлари машғулоти пайтида учирилган ракета тўқнашуви орқали содир бўлган деган тахминни тўла-тўкис тасдиқлади.

ЁРДАМ КИРИТИЛМАДИ

Толиблар Жаҳон озиқ-овқат дастурининг инсонпарварлик ёрдами доирасида Афғонистонга жўнатилган озиқ-овқатни ортиб кетаётган автомашиналарни Ҳирот шаҳрига қўймади. Хабарларга кўра, улар автомобиллар йўлда давом этиши учун юкнинг ҳар тоннасига 30 АҚШ доллари талаб қилган. Натижада юкни орқага қайтаришга тўғри келди.

Internet хабарлари асосида тайёрланди

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚИММАТГА ТУШГАН БУЙРУҚ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 16 август сонида чоп этилган «Қимматга тушган буйруқ» мақоласи Балиқчи тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ҳамда унинг ўринбосарлари, бошқарма мутахассислари, ширкат хўжаликлари раҳбарлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи кооперативлар раислари иштирокида ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан фермер хўжаликларига келтирилган зарарни тўлаш пайсалга солинаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу мақола чоп этилгунга қадар «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан «Шермат ота» фермер хўжалигига 710 минг сўм, «Сайдулло ота» фермер хўжалигига 1 млн. 58 минг сўм пул ўтказиб берилган.

2001 йил 28 август куни «Сайдулло ота» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига яна 3 млн. сўм пул ўтказиб берилди ва жами ўтказиб берилган пул миқдори 4 млн. 58 минг сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинди. «Балиқчи» ширкат хўжалиги томонидан «Шермат ота» фермер хўжалигига қолган 962600 сўм, «Сайдулло ота» фермер хўжалигига 734900 сўм тўланиши учун мутасаддилар томонидан тегишли тадбирий чоралар кўрилмоқда ва бу иш туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

Туманда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, мақолада кўрсатиб ўтилган ҳолатлар қайта такрорланмаслигини таъминлаш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқлари паймол этилишининг олдини олиш бўйича йиғилишда қарор қабул қилинди.

■ **Андижон вилоят ҳокимлигининг агросаноат мажмуи бўйича котибият мудири А. ТОШТЕМИРОВ.**

ДОРИ ИЗЛАБ ЮРМАЙСИЗ

Жиззах вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли марказий дорихона қошида «Маълумот маркази» ташкил этилди. Бу ҳақда газеталарда эълон қилиниб, кўзга кўринарли жойларга ёзиб қўйилди.

— Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигида яшайман, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Низом Очилов бўламан. «Адельфан» деган дорини излаяпман. Қайси дорихонада борлигини, нархини айтолмайсизми?

«Маълумот маркази» навбатчиси қўнғироқ қилган кишига «Адельфан» қайси дорихонада борлиги ва нархини айтиб берди. Бу билан фуқаронинг мушкули осон бўлди.

«Маълумот маркази» хизматидан аҳоли мамнун.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

1

Ҳар бир давр, ҳар бир замоннинг энг долзарб муаммо, масала ва мавзулари бор. Яқиндагина, яъни ўтган аср охирларида, инсоният олдида турган энг муҳим масала — учинчи минг йилликка яхши якунлар, янги режалар билан ўтиб олиш, тараққиётнинг юксакроқ поғонасига кўтарилишнинг дастурларини ишлаб чиқиш бўлган бўлса, бутун дунёнинг диққат марказида, бугунги кунда, халқаро терроризмга қарши курашиш муаммолари турмоқда.

ДУНЁНИ ЛАРЗАГА КЕЛТИРГАН ЁВУЗЛИК ХУРУЖЛАРИ

Инсоният, учинчи минг йилликни бошлаб берган, XXI асрга эзгу ниятлар, кўплаб орзу-ҳаваслар билан қадам ташлаганида, йилнинг учинчи чораги ниҳоясига келиб, даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлади, деб жаҳон афкор оммаси ўйламаган эди. Афсуски, шундай бўлди: 11 сентябрь эрталаб Нью-Йоркдаги Умумжаҳон савдо марказининг 110 қаватли осмонўпар бинолари ва АҚШ Мудофаа вазирлигининг Вашингтондаги қароргоҳи — Пентагонга жиноятчилар қўққисдан ҳужум қилдилар. Террорчилар босиб олган 4 та фуқаро авиацияси самолётларидан учтаси ушбу биноларга келиб урилдилар. Портлашлар натижасида, Умумжаҳон савдо маркази (у ерда 80 миллатга мансуб инсонлар бўлган экан) ва Мудофаа вазирлиги ходимлари, теварак-атрофдаги бинолардаги кишилар, қутқарувчи ва ўт ўчирувчилар, ҳаво кемаларидаги йўловчи ва учувчилар, Пенсильвания яқинида осмонда портлаб кетган тўртинчи самолётдаги барча одамлар, жами етти мингга яқин киши, ҳалок бўлди. Умумжаҳон савдо маркази иншоотлари батамом яксон қилинди, Пентагон биносига жиддий зарар етказилди, атроф-муҳит ифлосланди, қурбонларнинг қариндошу яқинларига руҳий жароҳат етказилди, миллионларча америкаликларга маънавий зарба берилди.

Дунёдаги энг нуфузли, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жиҳатдан энг қудратли давлатга қўл кўтарган кимсалар, бегуноҳ одамларнинг ҳаётига ваҳшийларча қасд қилган жиноятчилар қаердан келиб қолдилар, бу даҳшатли бало қандай пайдо бўлди, деган саволларнинг туғилиши табиий. Бунга жавоб топиш ҳам қарз, ҳам фарздир.Чунки, бусиз ушбу ёвузликнинг сабабларини аниқлаш, унинг пайини қирқиш, янги фожиалар олдини олиш мумкин эмас.

Аслини олганда, турли (шу жумладан, давомли) зиддиятлар қалашиб ётган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, миллатлараро, бошқа муаммолар бани башарни қийнаётган дунёда бугунги фожиаларнинг уруғи ўтган замонларда сепилган, Ғарбу Шарқни, Шимолу Жанубни ўз домига тортиши мумкин бўлган аланганинг учқунлари сайёрамизнинг турли бурчакларида кўпдан бери учиб юрар эди.

Жаҳон ривожланишини зийраклик билан кузатиб бораётган теран фикрли кишилар, воқеалар боришини таҳлил этиб, инсоният диққатини ушбу хавфхатарга аллақачон қаратганлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, мустақил мамлакатимиз раҳбарлигига келганидан буён, барчани терроризм хавфи тўғрисида доимо огоҳлантириб келмоқда. Масалан, ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида Юртбошимиз нафақат республикамиз, Марказий Осиё мамлакатлари, балки, бутун дунё халқлари тўқнаш келаётган хавф-хатарлар орасида **терроризм ва экстремизмнинг** борлигини ҳам алоҳида ҳар томонлама асослаб берди.

Мазкур китоб дунёнинг кўплаб тилларида хорижда нашр этилган, кенг тарқалган ва хайрихоҳлик билан кутиб олинган бўлса-да, унинг муаллифи чиқарган хулосалар, илгари сурган ғоялар, афсуски, турли мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари томонидан инобатга олинмади. Бунинг оқибатларини, эндиликда, кўриб турибмиз. Албатта, биз уларни айблашдан йироқмиз. Зеро, «хом сут эмган бандалар» ўзгалар тажрибасидан (шу жумладан, салбий тажрибадан), ҳали-ҳануз, сабоқ олишни ўрганганимиз йўқ.

Шу жиҳатдан олганда, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари кўпларнинг кўзини очди. Улар терроризм — маҳаллий аҳамиятга эга ҳодиса, унинг зарарли таъсири айрим минтақалар доирасидан асло чиқмайди, ҳар бир давлат, халқнинг ўзи унга қарши курашиши керак, деган фикрлардан воз кечишга мажбур бўлдилар, терроризмнинг умумбашарий тус олганлиги эътироф этилди.

2

ТЕРРОРИЗМ — БУТУН ИНСОНИЯТГА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ВАБО

Маълумки, инсоният XXI асрга, юксак ижтимоий тараққиёт, фан-техника, технология ва маданиятнинг ажойиб ютуқлари билан бир қаторда, кўпгина чигал муаммоларни ҳам олиб ўтди. Улар орасида **терроризм** алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, бу мудҳиш иллат, биринчидан, узоқ ўтмиш ва чуқур илдизларга эга, яъни кўпдан буён яшаб келаётган бўлса, иккинчидан, у жаҳон ҳамжамиятида демократик тамойиллар тобора кенгроқ қарор топаётган ҳозирги шароитларда, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиш ўрнига, янада жонланиб, янги тарафдорлар орттириб, тобора кенг қулоч ёзиб, бутун инсониятга жиддий таҳдид солмоқда.

Бир неча йилдан бери, Чеченистонда, олдинги ойда — Шри-Ланкада, ундан сўнг — Панжобда, яқинда — Кашмирда, Найробида, Жазоирда, сурункасига — Яқин Шарқ ва Афғонистонда, кейин — Будёновск, Буйнакск, Кизляр, Минеральные Воды, Москва, Тошкент ва ҳоказо жойларда, эндиликда эса Нью-Йорк ва Вашингтонда портлашлар, қон тўкилиши, кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлиши, жароҳатланганлар, вайрон қилинган бинолар, йўқ қилинган транспорт воситалари, катта миқдордаги моддий зиёнлар ҳақида шов-шувли хабарлар тарқалмаган кун йўқ.

Энг даҳшатлиси шуки, бундай ғайритабиий воқеалар тўғрисидаги ахборотларга кўпчилик кўникиб қолган эди. Ваҳоланки, ҳар қандай террор инсонга, унинг ҳаётига ёт ёвузликдир!

Хўш, террорнинг ўзи нима? Хорижий тиллар луғатларида берилишича, **террор** лотинча **(terror)** сўз бўлиб, ўзбекчага **қўркув, даҳшат (ваҳима), деб таржима қилинади ва тазйиқ кўрсатиш, ҳаттоки, жисман йўқ қилиб ташлаш мақсадида, рақибларга нисбатан куч ишлатиш, зўравонлик кўрсатиш маъноларига эга.** Давлат ҳокимияти, тожу тахт, бойликларга бемеҳнат, енгилгина, ноқонуний йўл ва воситалар орқали эга бўлиш мақсадида, қадимдан, террорчиликнинг у ёки бу шакллари (очиқ, махфий, якка тартибда ё уюшган ҳолдаги ва ҳоказолар)дан фойдаланиб келинган. Террорчилик амалиёти дунёнинг кўпгина мамлакатларида яширин ёки очиқ (расмий тарзда) қўлланиб келинди ва ҳозир ҳам қўлланилмоқда.

Ҳозирги пайтда террорни, ўз моҳиятига кўра, асосан, икки турга ажратиш мумкин. Уларнинг бири — **сиёсий террор бўлса,** иккинчиси, сиёсий мақсадлар кўзда тутилмаган, **жиноий мақсадлардаги** (ўч олиш, талончилик, меҳнатсиз ҳаёт кечириш учун мўмай маблағ топиш ва ҳ.к.) **террорчилик амалларидир.** Албатта, террорнинг ушбу, ҳар иккала тури ҳам, улар қандай мақсадда содир этилмасин, жиноятдир. Лекин, сиёсий террорнинг зарари кўпроқ, чунки, у конституциявий тузумга путур етказиши, бутун жамиятни, бир мамлакат ёки катта минтақани қалқитиши, ҳаттоки, Америкадаги сентябрь воқеалари кўрсатганидек, бутун дунёни ларзага келтириши, минглаб, ундан ҳам кўпроқ кишиларнинг ҳузур-ҳаловатини бузиши, уларнинг ҳаётига хавф солиши, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларнинг кескинлашувига, қонли тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, Кашмир айирмачиларининг мунтазам амалга ошираётган террорчилик ҳаракатлари, мамлакатнинг мазкур минтақасидаги сиёсий барқарорликка путур етказиш билан бир қаторда, икки қўшни давлат — Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига тўсқинлик қилмоқда. «Ҳамас» жангариларининг исроилликларга қарши қўпорувчилик амаллари Исроил — Фаластин можаросини бартараф этиш йўлидаги уринишларнинг бесамар бўлишига ҳисса қўшиб, Яқин Шарқ минтақасидаги ярим асрлик тангликка чек қўйишга ҳалақит бермоқда.

Ҳар қандай жиноятчилик каби, сиёсий терроризм ҳам на чегара билади ва на миллат айиради. Унинг халқаро тус олганлиги, бугунги кунда, инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Чеченистонда Россия Федерал қуролли кучларига қарши уришаётганлар сафларида кўплаб арабларва бошқа мамлакатлардан келган ёлланма одамкушлар борлиги барчага маълум.

Саудиялик миллионер Усама бин Лодин (1998 йил бошларида унинг шахсий маблағлари миқдори 250 миллион АҚШ долларига тенг эди, дейдилар) шўро қўшинлари Афғонистонга киритилгандан кейин ўз пулларига араб жангариларини ёллаб, уларни қуроллантириб, бу ерга юборишни ташкил қилди ва ўзи ҳам, мужоҳид сифатида жангларда иштирок этди.

Ушбу, дунёдаги бош террорчининг фақат чақириқ-бақириқлар билан чегараланмаётганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. У ташкил этган «Ал-Қоида» ташкилоти ва «Халқаро жиҳод фронти»нинг (терроризмга қарши курашиш бўйича катта мутахассис, Париж криминалогия институти директори Ксавье Роффернинг айтишича, Усама бин Лодин ташкилоти яхлит компания эмас, балки, таркибида турли, диний ақидапарастлик мантиқига бўйсунувчи тузилмалар мавжуд бўлган холдингдир) қўли Ер юзининг турли бурчакларида содир этилган кўпчилик террорчилик амалларида борлиги, Ғарбу Шарқ мамлакатлари махсус хизматлари тўплаган далиллар билан, исботланади. Америка ҳукуматининг Усама бин Лодинни 1996 йилда АҚШнинг Найроби (Кения) ва Даруссалом (Танзания)даги элчихоналарини портлатишда, хориждаги қатор америкаликларни ўлдиришга даъват этишда айблаганини кўплар билади.

АҚШ раҳбарияти Нью-Йорк ва Вашингтондаги портлашлар ҳам халқаро терроризмнинг иши эканлигини, уларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, биринчи навбатда, Усама бин Лодинлигини исботловчи тегишли далиллар борлигини эълон қилди. Шунга асосланиб, Вашингтон Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракатидан Усама бин Лодин ва «Ал-Қоида»нинг бошқа раҳбарларини ушлаб беришни, шу мамлакатда паноҳ топган халқаро террорчиларни тегишли давлатларга топширишни ва бундан кейин уларни қўллаб-қувватламасликни, унинг ҳудудидаги террорчилар гуруҳлари тайёрловчи барча база ва машқ майдонларини йўқ қилишни талаб қилди. Яқингача, тилёғламачилик қилиб, айбини бўйнига олишдан тонаётган, бош террорчи 7 октябрь куни Катардаги «Ал-Жазира» телекомпанияси орқали қилган мурожаатида 11 сентябрь хуружларини уюштиришда ҳиссаси борлигини очиқ эътироф этди! Усама бин Лодиннинг айбини исботловчи далиллар келтирилишини талаб қилган Кобул ҳукмдорларига яна қанақа далил керак?

Халқаро терроризмнинг бевосита иштироки туфайли ҳокимият тепасига келган ва унга суянаётган «Толибон» раҳбарияти АҚШ ҳукумати ва аксилтеррор иттифоқининг ҳаққоний талабларини, турли баҳоналар билан рад қилиб, дўқ-пўписа этиб, ўзини жаҳон ҳамжамиятига қарши қўймоқда. Аммо, бугунги кунда уларнинг ҳийла-найранглари ўтмайди. Чунки, жаҳон ҳамжамияти уларнинг жирканч қиёфаси ва ваҳшиёна моҳиятини яхши билиб олди.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

Асримизнинг фожиали сентябрь воқеаларидан сўнг кўпчиликнинг фикрича, дунё ўзгарди, Россия Президенти Владимир Путин иборaси билан айтганда, инсоният улғайди. Жаҳон афкор оммасининг дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи малъунларга муносабатида бурилиш юз берди. Ғарбу Шарқ халқлари, кўпчилик давлатларнинг ҳукмрон доиралари, биринчидан, терроризмнинг даҳшатли ёвузлик, тараққиёт йўлидаги энг катта тўсқинлик эканлигини, иккинчидан, бу мудҳиш иллат на ватан, на чегара, на миллат ва на диний эътиқод билмаслигини, яъни унинг умумбашарий офатлигини англаб етдилар.

Шу билан бирга, АҚШдек қудратли давлат, кутилмаганда учраган мазкур жиноят-корона хуруждан жаҳон аҳли қуйидаги сабоқларни чиқарди. Биринчидан, техника ва коммуникациялар тараққиёти юқори чўққига кўтарилган ҳозирги замонда дунёнинг энг бой, энг қудратли давлатлари ҳам терроризм деган балодан четда қолишлари ёки

ТЕРРОРИЗМ — БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ ЁВУЗ ДУШМАНИ!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАОЛЛАРИ ВА ТАРҒИБОТЧИЛАРИГА УСЛУБИЙ КЎМАК

яширинишларининг мумкин эмаслиги барчага аён бўлди. Инсоният бошига мислсиз кулфат келтирувчи бу ёвуз куч барчага ташланадиган, ҳаммага мислсиз зиён етказадиган умумбашарий офат экан. Иккинчидан, терроризмга қақшатқич зарбалар бериб, унинг илдизлари қўпориб ташланмаса, инсоният тақдирига таҳдид солиши муқаррар. Учинчидан, ушбу балога қарши биргаликда ҳаракат қилингандагина, барча тараққийпарвар кучлар, маърифатли давлатларнинг саъй-ҳаракатлари шу нуқтага қаратилсагина, уни енгиш мумкин, деган ҳақиқатни кўпчилик тушуниб етди. Ушбу фожиали дамларда бу даҳшатли ёвузлик — терроризмга қарши курашда, — дейилади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 12 сентябрь куни АҚШ Президенти Жорж Бушга йўллаган мактубида, — куч-ғайратларимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта ва қайта англаётирмиз.

Айтиш мумкинки, дунёнинг аксари мамлакатлари, аввалambор, етакчи давлатлар раҳбарлари ушбу ҳақиқатни тезлик билан теран идрок этиб, уюшган террорчиларга қарши, улар билан курашишга тайёр кучларни уюштиришга киришдилар.

Маълумки, АҚШ Президенти кутилмаган мислсиз фожиали хуружлар содир этилган куниёқ, уни ўз мамлакатига қарши қаратилган уруш сифатида баҳолаб, Америка ҳукумати номидан, террорчиларга қарши уруш эълон қилди. Шу нарса диққатга сазоворки, нафақат АҚШ халқи, балки, бутун дунёдаги барча тинчликсевар кучлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам (унинг Бош котиби Кофи Аннан терроризмга қарши бирлашишга даъват этди) расмий Вашингтоннинг бундай сиёсатини яқдиллик билан маъқуллади. Жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакати (улар орасида деярли барча мусулмон, шу жумладан, араб давлатлари ҳам бор) раҳбарлари, АҚШ халқи ва раҳбариятига ҳамдардлик билдириш билан бир қаторда, сентябрь ваҳшийликлари ижрочи ва ташкилотчиларини қоралаб, террорчиларга, албатта, зарба бериш лозим, деган фикрни маъқулладилар. Афғонистондаги воқеаларга қўшилиб келаётганлиги сир бўлмаган ва Кобул билан дипломатия муносабатларини узмай турган, айни пайтда, АҚШ билан алоқаларининг ёмонлашувини истамаётган Покистоннинг генерал Парвез Мушарраф бошчилигидаги ҳукмрон доиралари ҳам «Толибон» ҳаракати йўлбошчиларига Усама бин Лодинни ушлаб беришни маслаҳат бердилар. «Толиблар» фойдасига ҳаракат қилаётган мамлакатдаги тўртта ташкилот раҳбарлари ҳибсга олинди ва айрим толибпараст генераллар эгаллаб турган лавозимларидан четлатилди. АҚШ қуролли кучларига Покистоннинг ҳаво ҳудудлари ва ҳарбий базаларидан фойдаланишга рухсат этилди. «Толибон» ҳукуматини ўз вақтида таниган Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари у билан расмий алоқаларни уздилар. Ҳаттоки, Ғарб томонидан бир вақтлар террорчиларни қўллаб-қувватлашда айбланган Ливия раҳбари Муаммар Каддафи ҳам халқаро терроризмга қарши зарбалар берилишини ёқлаб чиқди. Фақат Ироқ ҳукуматигина бу йўлга қўшилмади.

Терроризм билан курашишга қатъий бел боғлаган АҚШ ҳукумати умумий душманга қарши турган кучларни ўз атрофида тўплай бошлади. Кўп ўтмай, 40 дан зиёд (НАТО аъзолари ва бошқа давлатлар) мамлакат **аксилтеррорчилик ҳаракатига** қўшилди. АҚШнинг энг яқин иттифоқчилари (Англия, Германия, Франция, Канада, Австралия ва бошқалар) террорчиларга қарши курашда, у ёки бу шаклда (шу жумладан, қуролли кучлари билан) фаол иштирок этиш истагини билдирдилар. Қатор давлатлар ўз имкониятлари доирасида терроризмга қарши курашга кўмаклашишлари мумкинлигини билдирдилар. Чунончи, террорчиларга қарши зарбалар берилишини маъқуллаган Россия раҳбарияти АҚШнинг махсус идоралари билан маълумотлар алмашишга тайёрлигини, «толиблар» билан курашаётган Шимолий иттифоққа ҳарбий техника билан кўмак беришини, Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишини маълум қилиб, шу йўлдан изчил бормоқда. Россия, Тожикистон, Украина, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон ҳукуматлари ва бизнинг давлатимиз АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари учун ўз ҳаво ҳудудларидан фойдаланиш имкониятини бердилар.

Айтиш мумкинки, дунё халқлари ва давлатлари иккинчи жаҳон уруши давридан буён ягона душманга қарши курашда бунчалик яқдиллик кўрсатмаган эдилар (АҚШ фуқароларининг 90 фоизи ўз ҳукуматининг терроризмга қарши саъй-ҳаракатларини маъқулласа, сўровларда иштирок этган россияликларнинг 80 фоизи Нью-Йорк ва Вашингтондаги террористик амалларни бутун инсониятга даҳлдор, деб ҳисоблайдилар). Бу ҳам 11 сентябрь воқеаларининг натижаларидан бири.

Халқаро терроризмга қарши кураш турли йўналишларда, яъни сиёсат, дипломатия, ахборот, иқтисодиёт, ҳарбий соҳаларда олиб борилмоқда. Чунончи, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар террорчилар содир этган ваҳшийликларни яқдиллик билан қораладилар ва жаҳон ҳамжамиятини уларга қарши курашишга ундамоқдалар. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 1373-сонли резолюциясида террорчиларнинг Нью-Йорк ва Вашингтондаги қотилликларини қатъий қоралаб, барча давлатларни терроризм билан курашишга даъват этди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1994 йил 9 декабрдаги «Халқаро терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилмай қолганлиги ҳисобга олиниб, бу гал ҳам шундай бўлмаслиги учун БМТ-халқаро терроризмга глобал миқёсда қарши курашни ташкил этиш бўйича махсус қўмита тузди. Унинг олдига терроризмнинг молиявий манбаларини йўқ қилиш, террорчилик ташкилотларини қурол-яроғ ва техник воситалар билан таъминлашга чек қўйиш каби муҳим вазифалар қўйилди. Қўмита белгиланган вазифаларни адо этишда ҳамжамият аъзоларига ёрдам беришга ҳам даъват этилган. БМТга аъзо давлатлар ушбу қарорнинг бажарилиши ҳақида ҳар уч ойда ахборот бериб туришлари керак.

Терроризмга дипломатик воситалар билан қарши курашиш кенг миқёсларда олиб борилмоқда. АҚШ Президенти кўпгина давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари билан телефон орқали мулоқотда бўлмоқда ёки улар билан учрашиб, вазиятни муҳокама этмоқда. Ҳукумат аъзолари — давлат котиби, мудофаа вазири ва бошқалар турли мамлакатларда бўлиб, уларнинг раҳбарларини ҳозирги вазиятда Американинг тутган йўли ва терроризмга қарши курашиш режалари билан таништирдилар, мазкур давлатларнинг ушбу курашда ҳамкорлик қилишга оид ният ва имкониятларини билиб олдилар. Чунончи, АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Саудия Арабистони, Уммон, Миср Араб Республикасига сафаридан кейин мамлакатимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон Президенти билан самарали музокаралар олиб борди. Уларнинг натижаси, кейинчалик имзоланган, икки томонлама ҳужжатда ўз аксини топди.

Маълумки, АҚШ Президенти барча давлатлар раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни терроризмнинг умумий хавфига қарши уюшишга чақирди. Шу билан бирга, у террорчиларни қўллаб-қувватлаётган, уларга бошпана бераётган ёки моддий ва молиявий мадад кўрсатаётган мамлакатларга ҳам зарба берилиши муқаррарлиги ҳақида огоҳлантириб қўйди. Айни пайтда, Жорж Буш халқаро терроризм билан курашиш, бу — террорчи жоҳиллар айюҳаннос солаётганликларидек, ислом динига, аҳли муслимга ёки афғон халқига қарши қаратилган ҳаракат эмаслигини мусулмон мамлакатлари раҳбарларига, жаҳон жамоатчилигига қайта-қайта тушунтирмоқда.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ҳам аксилтеррор коалициясининг мақсад ва режаларини тушунтириш ҳамда уларнинг нуқтаи назарини аниқлаш мақсадида, Россия Президенти Владимир Путин ва НАТОга аъзо бўлган айрим давлатлар бошлиқлари, ҳукуматлари раҳбарлари, етакчи араб мамлакатлари расмий доиралари билан учрашиб, музокаралар олиб борди.

АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг халқаро терроризмга қарши бошланган курашида дунёдаги оммавий ахборот воситаларининг мутлақ кўпчилиги катта ёрдам кўрсатмоқда. Даврий матбуот нашрлари, хусусан, радио ва телевидение, ўзларининг тезкор чиқишлари билан ҳамда жаҳолатпарастларнинг ниқобларини йиртиб ташлаш, уларнинг асл қиёфаси ва жиноий қилмишларини фош этувчи мақолаларни кўплаб эълон қилиш орқали, ёвузларга нисбатан жамоатчиликда тўғри фикр ва муносабатнинг шаклланишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Баъзи бир хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан, Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистоннинг тутган йўлига соя туширишга уринишлар ҳам бўлаётир. Республикамиз раҳбарияти бундай чиқишларнинг ғаразли мақсадларини ўз вақтида фош этмоқда. Биз, ўз навбатида, турли мишмишларга учмаслигимиз, ҳар қандай шароитда оқни қорадан ажрата билишимиз керак.

Терроризмнинг молиявий ришталари узилмоқда. АҚШ ҳукумати халқаро террорчиларга алоқадор 28 ташкилотнинг банклардаги ҳисоб рақамларини «музлатиб» қўйди. «Катта саккизлик»ка кирувчи жаҳоннинг энг қудратли давлатларининг молия вазирлари октябрь ойи бошларида учрашиб, терроризмнинг молиявий манбаларига чек қўйиш тўғрисида келишиб олдилар. Халқаро молия ташкилотлари ва бошқа давлатлар ҳукуматлари ҳам тегишли чораларни кўрмоқдалар.

7 октябрда халқаро терроризмга қарши курашнинг ҳарбий йўналиши ҳам ҳаракатга келди. Ярим тунда Америка Қўшма Штатлари қуролли кучлари халқаро терроризмнинг Афғонистондаги база ва машқлар майдончалари, «толиблар»нинг таянч нуқталарига ҳаводан (самолётлар ва қанотли ракеталар билан) зарба беришни бошладилар. АҚШ расмийларининг айтишича, Афғонистондаги террорчилар таянч нуқталарига дастлабки зарбалар, маълум бўлишича, АҚШ ҳудудидаги ҳамда Диэго Гарсия оролидаги ҳарбий базаларда шай турган самолётлар, Араб денгизида сузиб юрган авиаэлтувчи кемалар саҳнидан ҳамда сувости кемаларидан учирилган самолёт-у қанотли ракеталар воситасида берилган. Уларда Англия ҳарбий ҳаво кучлари ҳам иштирок этган. Пентагон раҳбарларининг хабарларига мувофиқ, «толиблар» муҳим иншоотларининг кўпчилиги, улардаги барча самолётларнинг 90 фоизи, биринчи зарбаларданоқ, яксон қилинганлиги, ҳаво ҳужумларининг самарали бўлаётганлигидан дарак беради.

Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, АҚШ самолётлари душманга зарба бериш билан бирга, Афғонистоннинг тинч аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни етказиб беришни ҳам бошладилар. Америка Президенти ушбу мақсад учун 320 миллион доллар маблағ ажратди. Бу нарса АҚШнинг зарбалари ҳақиқатда ҳам жабрдийда афғон халқига эмас, балки, террорчи газандаларга қарши қаратилганлигини кўрсатувчи ишонарли далилдир.

Халқаро терроризмга қарши кураш қанча вақт давом этади? АҚШ маъмурларининг фикрича, бу кураш узоқ муддат, ҳаттоки, бир неча йил давом этиши мумкин. Зеро, бу — жуда мураккаб иш. Ва, ниҳоят, бу муҳим умумбашарий вазифани ҳал этишга инсониятнинг аксариятини жалб қилмай, муваффақият қозониш қийин. Бунга эришиш учун эса вақт, сабр-тоқат ва узлуксиз саъй-ҳаракатлар керак. Демак, инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризмни таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш жаҳон ҳамжамиятининг ўзига, унинг уюшганлик даражаси ва амалий ишларининг самарадорлигига боғлиқ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ИШТИРОКЧИСИ

Хўш, Ўзбекистон ҳукумати, халқимизнинг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш масаласига ёндошуви қанақа? Мамлакатимиз раҳбариятининг бу соҳадаги мақсад-муддаоси ва сиёсати нимадан иборат?

Биз терроризм даҳшатини ўз бошидан кечирганларданмиз. Халқимиз бу ёвуз бало тўғрисида бировлардан эшитган ёки миш-мишларга асосланган тасаввурга эга эмас. Юртбошимиз, мана 10 йилдирки, мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилигини ушбу хатарли хавфнинг таҳдиди ҳақида огоҳлантириб келмоқда. Хусусан, ўзининг биз юқорида номини зикр этган асарида давлатимиз раҳбари бу мудҳиш иллатнинг сабаб ва оқибатларини чуқур таҳлил этиб, бутун инсониятга, «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деб, мурожаат қилган эди. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истанбул саммитида терроризм — халқаро ҳодиса эканлигини таъкидлаб, мазкур мўътабар халқаро ташкилот қошида аксилтеррор марказни ташкил қилиш таклифи билан чиққан эди. Афсуски, ўшанда бу даъватларни фаол қўллаб-қувватловчи, уларни амалга оширишга бел боғловчилар топилмади. Террорчилар бундан фойдаланиб, ёвузлик ишларини янада кучайтирдилар.

Жангарилар томонидан Андижон ва Наманганда содир этилган қотилликлар, Тошкент шаҳрида 1999 йил 16 февралда уюштирилган портлашлар, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли ҳудудларида қилинган босқинчилик ҳаракатлари натижасида, аҳолининг тинч ҳаётига катта зиён етказилди, кўплаб бегуноҳ одамларнинг умри хазон бўлди. Шу боис, биз АҚШ халқи бошига тушган кулфатни ўз дардимиз, бизга отилган ўқ сифатида қабул қилдик, ҳеч иккиланмай, терроризм билан курашда унинг томонида эканлигимизни билдирдик.

Албатта, ҳар қандай мустақил давлат каби биз ҳам Ватанимиз, тинчлигимизни ҳимоя қилишда ўз кучимизга таянишимиз керак. Шундай вазиятда, мамлакатимиз раҳбарияти, халқаро терроризмга қарши курашга қатъий бел боғлаган, бу ишда собитқадамлик билан ҳаракат қилаётган қудратли давлатлар, жаҳон ҳамжамияти сафларига қўшилиш орқали, чегараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлигини таъминлаш йўлини танлаб, оқилона иш қилди. Зеро, Ўзбекистоннинг, терроризмдан энг катта зарар кўраётган, тобора кучайиб бораётган бу хавфнинг мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб турган мамлакат сифатида, йигирма биринчи асрнинг вабосига қарши курашга отланган маърифатли давлатлар, барча тараққийпарвар кучлар билан бирга бўлиши табиий ҳол.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти, жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда, халқаро терроризмга қарши курашиш истагини билдириш билан бир қаторда, мазкур ҳамкорликнинг ўзаро мажбурият ва кафолатларини ҳам аниқлади. Эндиликда, улар тегишли ҳуқуқий заминга эгадирлар.

Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашда иштирокининг мақсад-муддаоси аниқ-равшан, унинг шарт ва қоидалари мамлакатимиз миллий манфаатларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистон ХДП, 11 сентябрда АҚШда содир этилган жиноий амалларни қатъий қоралаши билан бир қаторда, республикамиз раҳбариятининг ушбу масаладаги сиёсатини тўла маъқулламоқда. Унинг бундай нуқтаи назари Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг жорий йил 12 сентябрдаги Баёноти ва 4 октябрдаги, «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари ҳақида»ги, қарорида ўз ифодасини топди.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатларда қўйилган вазифаларни ЎзХДП аъзолари томонидан бажаришга киришилди. Марказий Кенгашда, терроризмга қарши курашиш масалаларига бағишлаб «давра суҳбати» ўтказилди. Жойларда **«Терроризм — тараққиёт душмани!»** кун тартибидаги очиқ партия мажлислари бўлиб ўтаётир. Партия матбуоти саҳифаларида, ушбу мавзу бўйича расмий ашёлар билан бир қаторда, кўплаб мақола ва хабарлар эълон қилинмоқда. Тарғиботчи-ташвиқотчилар аҳоли ўртасида суҳбат ва мулоқотлар уюштирмоқдалар. Хуллас, Ўзбекистон ХДП мамлакатдаги нуфузли сиёсий куч сифатида, халқаро терроризмга қарши умумбашарий курашга, ўз имкониятлари доирасида, ҳисса қўшмоқда.

И.А.Каримов ЎзА мухбири билан суҳбатида террорчиларнинг кейинги мудҳиш хуружлари натижасида юзага келган вазият ҳаммамизни ҳар турли бало-қазолардан, мустақиллик душманларининг фитналаридан ҳар қачонгидан кўпроқ **огоҳ бўлишга, сезгирликни асло унутмасликка** ундаётганини алоҳида таъкидлади. Баъзан, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик муҳити ўз-ўзидан пайдо бўлмаганлигини, у республика раҳбариятининг оқилона сиёсати ва машаққатли саъй-ҳаракатлари туфайли таъминланаётганлигини унутиб қўяётганимиз сир эмас. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги тинчлик вазияти учун шукроналар айтишимиз, осойишталикнинг қадрига етишимиз билан бирга, уни мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғимиз, Юртбошимиз таъкидлаётганидай, тинчлик учун муттасил курашишимиз даркор. Ўта муҳим вазифа — ҳар бир фуқаронинг ушбу ишда фаол иштирок этишини таъминлаш. Бу эса партия ташкилотлари, унинг аъзоларидан ҳам шу соҳадаги фаолиятлари самарадорлигини оширишга эришишни, ҳар бир ўзбекистонликдан эса, мустақиллик, ислоҳотчилик, бунёдкорлик масъулиятини теран идрок этишни, ўзининг шахсий тақдирини мамлакат, жамият, истиқлол манфаати, Ватан ободлиги, юрт тинчлиги билан боғлашни талаб қилади.

Ўзбекистонимизнинг бугунги куни, порлоқ истиқболи ва буюк келажаги, тинчлигимиз, хавфсизлигимиз, фарзандларимиз тақдири ўз қўлимизда. Агар мавжуд ва пайдо бўлиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан ҳамиша огоҳ бўлсак, халқимизга хос зийраклик, аҳиллик, иноқлик, ҳамжиҳатлик фазилатларини ёшларимиз шуурига сингдира олсак, мустақиллик ҳамда туб ислоҳотлар душманларининг ҳийла-найрангларига асло учмасак, республика раҳбарияти, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати атрофида янада мустаҳкамроқ жипслашсак, ғаламисларнинг қора ниятлари ва барча жиноий хатти-ҳаракатларининг бундан кейин ҳам барбод бўлиши муқаррар!

■ **Ўзбекистон ХДП МК тарғибот гуруҳи**

4 5 6

ҚЎШ ХАБАР

ТУМАН ЗАФАРИ

Фарғона вилоятида яна бир туман пахта тайёрлаш шартнома режасини адо этди. Тоғолди Фарғона тумани пахтакорлари давлат хирмонига 19 минг 800 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат маҳсулоти топширишди. Бунда «Фарғона», Ҳ.Ҳакимзода номли, «Гулистон», Бобур номли ширкат хўжаликлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

ҚУТҚАРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташаббуси билан Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғидаги тоғли ҳудудларда республика қутқарув ва авария ходимлари гуруҳлари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақалар шартига кўра, баланд тоғ чўққиларида қидирув ишлари амалга оширилиши керак эди. Қутқарувчи гуруҳлар аъзолари мусобақалар давомида юксак профессионал маҳоратларини, топқирлик ва жасурликларини намойиш этдилар. Биринчи ўрин чирчиқлик, иккинчи ўрин чимёнлик, учинчи ўрин эса фарғоналик қутқарувчиларга насиб этди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЪЗОЗ

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИБ

Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари тўғри йўлга қўйилган, айниқса, ички шартномаларни тузиш ва ижросини таъминлашда якдиллик сезилган жамоа шубҳасиз илғорлар сафида бўлади.

Янгийўл туманидаги «Янгийўл» хўжалиги боғбону сабзавоткорлари бугун худди ана шундай йўл тутиб узум ва сабзавот топшириш режаларини уддаладилар. Мавжуд 150 гектар узумзорда 97 нафар оилавий пудратчи ички шартномаларга амал қилган ҳолда ишлашди. Натижада 1300 тонна «шароф» ва «хурраки» навли узумлар етиштирдилар. Даромад эса қарийб 70 миллион сўмни ташкил этди.

1-1,5 гектардан узум парвариш қилган Бахтигул Тавупова, Тўхтасин Раҳимов, Солижон Алиев каби оилавий пудратчилар 1 миллион сўмдан ошириб даромад қилишди. Ҳар бири режадан ортиқ 6-7 тоннадан узум етиштиришди.

— Ишлаган роҳатини кўрадиган пайт келди,— дейди хўжалик саркори Ўринбой Тўрақулов. — Биз эса уларга тўғри тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатиб турдик, холос.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

ҚАДИМИЙ ДИЁРГА ЯНГИЧА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЎСТИ — ДОКТОР ШИРИН АКИНЕР

Англияга сафар чоғида Лондон университетининг ўқитувчиси, доктор Ширин Акинер билан учрашдим. Отаси покистонлик, онаси инглиз аёли бўлган, Бангладешда туғилиб вояга етиб, Лондон университетини битирган Ширин Акинер дунёда машҳур тарихчи олимлардан бири, Марказий Осиё тарихининг йирик тадқиқотчиси саналади. У инглиз тилидан ташқари бир неча тилларда, жумладан, рус ва ўзбек тилларида бемалол гаплаша оларкан. Ширин Акинер Ўрта Осиё тарихидан дарс бериш билан биргаликданоширлик ишлари билан ҳам шуғулланади. Жумладан, у Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини инглиз тилида нашр эттиришда ҳисса қўшган, Лондондаги «Курзон» нашриёти томонидан 1997 йилда нашр этилган бу китобга муҳаррирлик қилган.

— Бу китоб Президент Ислом Каримовнинг ҳар томонлама билимдон инсон, узоқни кўра оладиган давлат раҳбари эканлигини яққол кўрсатиб турибди, — деди биз билан суҳбатда Ширин Акинер.

Олима билан суҳбатимиз унинг иш жойи — Лондон университетининг Осиё ва Африка бўлимидаги мўъжазгина хонада бўлди. Қисқа вақт ичида Акинер хоним Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида, у ердаги ўз дўстлари, тарихчи олимлар ҳақида кўп нарсаларни сўради ва Лондон университетида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва ўқиш-ўқитиш ишлари ҳақида сўзлаб берди ҳамда бизни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Мен Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг дўстиман, сизларга чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайман, — деди у мен билан хайрлаша туриб соф ўзбек тилида. — Барча мени танигувчи дўстларга салом!

Саломат бўлинг, Ўзбекистоннинг дўсти — Ширин Акинер хоним!

ГАЙД ПАРКНИНГ КЕНГ БАҒРИ

Гайд Парк— Лондоннинг марказидаги катта боғ бўлиб, хиёбонларида азим чинорлар ўсган, ўртаси кенг кўкаламзор, бир томони ўрдагу ғозлар, оқчарлоқлар сузиб юрадиган кўлдан иборат. Бу боғ ўзининг улуғворлиги, кенглиги билан ажралиб туради. Бу бағрикенгликнинг рамзий томони ҳам бор: Гайд Парк Лондонда турли йиғилишлар, митинглар (дарвоқе, «митинг» сўзи инглизча «учрашув» деган маънони беради) ўтказиладиган, яъни демократия тузуми ўз ифодасини топадиган жой ҳисобланади. Англия русуми бўйича ҳар бир фуқаро бу ерга келиб ўз фикрини бошқаларга бемалол баён қила олиши мумкин, фақат бу фикрлар инсониятга, шу мамлакатнинг қонунларига зид келмаса бўлди. Бу боғда не-не донолар, ўз эътиқодига мустаҳкам, фидойи инсонлар нутқ сўзламаган, қанчадан-қанча эркин фикрлар, эзгулик тамойиллари янграмаган. Мен ҳам ана шундай йиғинлардан бирини кўриш истагида эдим, аммо ўша куни ёғингарчилик бўлганидан ҳеч қандай йиғин ўтказилмади.

■ **Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАНТАНАСИ

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Элимизда азалдан бир мақол бор: ҳақиқат эгилиши, букилиши мумкин, аммо синмайди! Қайсидир замонларда одамлар ўз ҳақиқати учун курашганларида шундай умид билан яшаганлар. Ҳақиқатнинг ҳеч вақт синмаслигига, албатта, у қарор топишига астойдил ишонганлар. Бизнинг жамиятда, ҳуқуқий демократик давлатимизда эса ҳақиқатга эришиш учун қонун — қалқондир!

Бу кун ўз ҳақиқати учун курашаётганлар орасида тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, тадбиркор нимадир яратиш, қандайдир эзгу иш қилишга бел боғларкан, албатта, қонунларга, тегишли қарор ва меъёрий ҳужжатларга таянади. Ҳеч бир ақли расо киши қонунга асосланмай тадбиркорлик қилмайди. Қонунга хилоф равишда қилинган «тадбиркорлик»нинг номи эса бутунлай бошқача бўлади... Қонуний асосдаги тадбиркорликка адолатли қонунларимиз қалқондир.

Тошкент шаҳар фуқаролик суди 2001 йил 20 сентябрь куни Х. Жузбанов раислигида, ҳайъат аъзолари Х. Ёвқочов, Г. Зубареваларнинг ҳамда А. Пернеева котиблигида ўтган суд қарорини кўздан кечирган киши бунга яққол амин бўлиши турган гап. Судда Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Н. Бозорова, адвокат Л. Ефимцевалар иштирокида даъво аризамизни кўриб чиқишди. Ҳақ қарор топди!

Хўш, шаҳар судигача мурожаат қилишга бизни нима мажбур этганди? Одамзод нимаики иш бошласа, «охири бахайр бўлсин!» деб ният қилади. Афсуски, бизнинг эзгу мақсад билан бошлаган ишимизнинг охири «бахайр бўлмаган» эди. Аниқроғи, биз кимларнинг гапига лаққа учганимизни, уларнинг «тўрига тушганимиз»дан кейин англадик.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда қанчадан-қанча қўшма корхоналар пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти яхши самара бераётгани кишини қувонтиради. Айни пайтда эндигина тадбиркорликни бошлаган кишиларга бу ҳол умид уйғотади. Демак, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилган киши ютқазмайди. Худди шундай ишонч ва умид билан биз ҳам «қўлни қўлга бердик». 1995 йил май ойида ўзини англиялик ишбилармон, «EADC Ltd» компанияси хўжайини деб таништирган Гай Шарининг тузоғига қандоқ илинганимизни билмай қолибмиз...

Чув тушганимизни англаб, ишимиз чигаллашгач, Лондонга мурожаат қилишгача бордик. Англиядан «Европа уйи» деган қўшма корхона Низоми ва таъсис ҳужжатларида қайд этилган манзилда «EADC Ltd» компанияси йўқлиги туфайли почта хизмати орқали юборган хатимиз қайтиб келди. Устамонлик орқасидан унчалик зарар кўрмаганимизда бошқа гап эди: афсуски, бошда муомалани қуюқ қилиб, маълум вақт ўтгач, ғирромлик у ёқда турсин, ҳатто бошимизга чиқиб ола бошлагач, судга мурожаат қилдик.

Устамон тадбиркорнинг гапларига ишониб, 1996 йил 24 апрелда «Европа уйи ЛТД» номи билан Ўзбек — Англия — Ирландия қўшма корхонаси ташкил этгандик. Қўшма корхона жамғарма Низомини шакллантириш учун Ирландиянинг «Эксимо трейдинг» фирмаси 50 фоиз, бизнинг «Шарқ машъали» 41 фоиз, англиялик «ишбилармон» 5 фоиз, Ўзбекистон фуқаролари Мирилёс Зоидов, Равшан Турсунов, Отабек Файзуллаевлар 1 фоиздан улуш қўшадиган бўлди. Жамғарма маблағимиз 720.000 АҚШ долларини ташкил этиши белгиланди. Албатта, ўртага ташланадиган маблағни ким қандай ҳал этиши ҳам келишилди. Хусусан, бизнинг масъулияти чекланган жамиятимиз 41 фоиз деган маблағ эвазига тайёр бинони берадиган бўлди. Пойтахтдаги «Болалар дунёси» дўкони биносини хусусийлаштириб, қўшма корхона учун «бахшида» этишга келишдик. Бинони сотиб олиш учун банкдан кредит олдик. Ишимиз юришиб кетса, қарздан қутулишимизга ишонч бор эди, албатта. Шунингдек, ҳамкорлар билан қўшма корхонада фаолият юритаверамиз, деган умид билан дадил ҳаракат қилардик. Ишимиз юришди. Ҳамкорларимиз бу ерда савдо-сотиқни авж олдиришди. Банкдан олган қарзни узгач, ҳамкорлар «тўнни тескари кийиб» олса денг. Нима эмиш, банкдан олинган қарзни узишда уларнинг «хизмати катта» бўлибди, энди биз «ўйин»дан чиқиб кетишимиз керак эмиш. Она шаҳримиздаги шундай гўзал бинони ўзимизнинг банк ёрдамида хусусийлаштириб олгач, энди жимгина уни бировларга бериб кетармишмиз...

Биз ҳамкорларимиз розилиги билан «бор-будимиз»ни гаровга тиккандик. Буни қарангки, улар шохида эмас, баргида юришаркан. Ўзлари ҳам жамғарма маблағига валюта ё унинг ўрнини қоплайдиган моддий товар топшириш ўрнига «бозорўчар»ни бошлаб юборишди. Ҳар хил майда-чуйда нарсаларни олиб келиб сота бошладилар. Гўё бу тайёр савдо растаси бўлди «ҳамкорларимиз» учун.

Шунақа «тадбиркор»лигини тинчгина қилишса қанийди, афсус... Ўз она шаҳримизда биз кимларга «макон» очиб қўйганимизни англаб, бошимизни чангаллаб қолдик. Ахир, хориждан арзимас чақаларга олиб, бу ерда осмон қадар нархларда сотилаётган матоҳларни кўрган киши ёқа ушламай иложи йўқ-да.

Худога шукр, юртимиз мустақиллиги туфайли ўзимизнинг уста бизнесменлар ҳам жаҳон кезмоқдалар. Қайси мол қаерда қанча туради, қайси мамлакатнинг товарлари истеъмолчиларимиз талабига жавоб бера олади, айни дамда бозорларимизга қанақа моллар зарурлигини жуда яхши биладилар. Истеъмолчиларимиз ҳам бугун анойиларданмас. Оқу қорани яхши ажратадилар. Хуллас, эркин бозорларимиздаги нарх-наволарга салбий таъсир кўрсата бошлаган «дўкон» атрофида ҳар хил гаплар кўпайди. «Ҳамкорлар» ўртасида низо чиқди.

Энг ёмони, синалмаган «дўсти»га ишониб, ўз биносини берган «Шарқ машъали» масъулияти чекланган жамият жамоаси ва таъсисчи Отабек Файзуллаев айбсиз айбдор бўлиб қолаёзди.

Хуллас, иш судгача борди. 2001 йил 18 июлда Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари суди Муборак Отажонова раислигида бу ишни кўриб чиқди. Суд қарорида нотўғри хатти-ҳаракатлари учун Чилонзор туманидаги 4-сон нотариал идорасига, ёлғон маълумотлар бергани учун «Савдогарбанк»ка ва «Европа уйи ЛТД» қўшма корхона раҳбариятига нисбатан хусусий ажрим чиқариш белгиланган.

Шунингдек, «Европа уйи ЛТД» қўшма корхонаси таъсисчилари таркибидан «Шарқ машъали» масъулияти чекланган жамиятни мажбуран чиқариш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида ҳам тегишли ажрим чиқарилган. Аммо, бу ажримларнинг бирортаси шу кунгача амалга ошмаётир. Иккинчи томондан, туманлараро суди шунча асосли далил ва гувоҳлар кўргазмаларига қарамай бизнинг даъво аризамизни қаноатлантирмади. Ҳақиқат барибир синмаслигига ишониб, Тошкент шаҳар фуқаролик судига апелляция тарзида мурожаат қилдик. Юртимиз, халқимиз манфаатларини кўзлаб бошлаган саъй-ҳаракатларимиз хайрли бўлди. Қонунбузарликларга минбъад чек қўйилди. Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари судининг шу йил 20 сентябрь куни чиқарган 3-437-рақамли ажримида шундай жумлалар баён этилган:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1994 йил 24 апрелдаги «Европа уйи ЛТД»ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги 000701-сонли гувоҳномаси бекор қилинсин.

1996 йил 24 апрелда чет эл таъсисчиси «Эксимо трейдинг ЛТД», «EADC Ltd» компанияси ва «Восток-Сервис» («Шарқ машъали») томонидан фуқаролар Мирилёс Зоидов, Равшан Турсунов, Ботир Саъдуллаев, Отабек Файзуллаевлар ўртасида тузилган таъсис шартномаси бекор қилинсин.

«Европа уйи» қўшма корхонаси фаолияти бекор қилинсин».

Биз етишмоқ учун курашган ҳақиқат шу тариқа қарор топди!

■ **Сирожиддин БОБОЕВ,**
«Шарқ машъали» масъулияти чекланган жамият раҳбари

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2001 ЙИЛ 16, 23 НОЯБРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога қуйидагилар қўйилади:

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси, «Авиасозлар бозори» АЖнинг д/б 10 AR 569 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «TICO» STD русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич нархи — 1 095 403 сўм.
Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти муниципиал биржаси 2001 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да Афросиёб кўчаси, 2-уйининг 2-қаватида жойлашган Бизнес марказда ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдосига таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари худудий бошқармаси томонидан:
— «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг базаси (БРУ), **бошланғич нархи — 50000000 сўм;**
— «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ шўъба корхонаси (КМИ) биноси, **бошланғич нархи — 4000000 сўм.**
— «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 2-сонли филиали корхонаси бино ва иншоотлари, **бошланғич нархи — 11000000 сўм.**
2. Тошкент вилоят хўжалик суди томонидан Бекобод шаҳар «Ғишт» заводига қарашли «КамАЗ-5410», д/р 11 АН 920 бўлган автотранспорт, **бошланғич нархи —980000 сўм.**

Ушбу савдода сотилмай қолган иншоот ва мулклар кейинги ҳафтанинг пайшанба куни бўлиб ўтадиган савдога қўйилади.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Аукционда қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.
Телефон/факс: 56-61-64

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА ОЛИБ БОРИШ УЧУН

АУКЦИОНЧИ

танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
— ёши 18 ёшдан кам бўлмаган бўлиши;
— омма олдида ўзини эркин тутиши ва у билан мулоқот этиш тажрибаси бўлиши;
— ўзбек ва рус тилини билиши;
— давлат ва нодавлат мулкларини кимошди савдолари остишни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тўлиқ билиши лозим.
Тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— фотосурат 2 та (3х4);
— тавсифнома;
— таржимаи ҳол;
— шахсий варақа;
— маълумоти тўғрисида ҳужжат.
Ҳужжатларни қабул қилиш — 2001 йил 1 декабргача.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй.
Метронинг «Навоий» бекати.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220
Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга
(Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220
Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-ўрта мактаб томонидан 2001 йил 16 июнда Шаропов Бобур номига берилган О"R — Z № 0907678 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ОЛАМДА ДУВ-ДУВ ГАП

АЙҒОҚЧИ ЛАЙЛАК

Брундининг шимоли-шарқий томонида жойлашган кичик қишлоқ одамлари ярадор лайлакни кўрган-

да ўз ҳайратларини яшириша олмади, деб хабар қилади Би-Би-Си. Сабаби, лайлак қанотлари остига электрон аппарат жойлаштирилган эди.

Мутахассислар тарафидан ўрганилганда кўп нарса аёнлашди. Аниқланишича, ушбу аппарат махсус хуфёна ишларга мўлжалланган бўлиб, ундан фойдаланиш қатъиян ман қилинган. Ҳозир «айғоқчи» лайлакнинг «қилмишлари» билан маҳаллий полиция шуғулланмоқда.

МАШҒУЛОТДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Америка мактабларининг бирида 5-босқич ўқувчиларидан бири маълум муддат тасвирий санъат машғулотларидан четлаштирилди. Муаллимларнинг таъкидлашларича, у яқиндагина содир бўлган террор актлари, вайронага айланган жаҳон савдо маркази бинолари ва ундан жон ҳалқумида ўзини тубсиз пастликка ташлаётган одамларнинг аянчли башараларини қоғозга тушириш билан машғул бўлган. Ҳайратланарли жойи шундаки, у бу ҳолатларни кулгули кўринишда тасвирлаган бўлиб, уларни чизишдан ҳузурланган. Маълумки, АҚШ ҳукумати террор актларининг аянчли оқибатларини намойиш қилувчи ҳар қандай ҳаракатларни тақиқлаган.

5 ЁШЛИ БОЛАГА ЖАРИМА

Италия йўл ҳаракати хавфсизлиги полицияси беш ёшли болакайга 280 АҚШ доллари миқдорида жарима солди.

Жарима далолатномасида унинг тезликни ошириб юборганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Гап шундаки, қонунбузар ўзининг болаларга мўлжалланган кичик машинасида соатига 95 километр тезликда шаҳар айланган.

АФОРИЗМ

«Одамлар қанчалик бахтли бўлишга интилса, улар шунчалик бахтлидирлар».

Эйл ЛИНКОЛЬН

МЎЪЖИЗА



«ДАРИТАЛ ЛТД»

DARITAL

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ қўшма корхонаси

Ўзбекистонда чарм-пойабзал ишлаб чиқариш саноатида етакчи ўринни эгаллайди. Италиянинг илғор фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳларда тоза чармдан бежирим, сифатли эркаклар пойабзалларини ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда бу маҳсулотлар мамлакатимиз ва хориж бозорларида маълуму машҳур.

Мамлакатимизнинг азиз фуқаролари!

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Урганч шаҳрида фаолият юритаётган «Даритал ЛТД» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси қўли гул пойабзалчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган 40 турдан зиёд турли моделдаги оёқ кийимларини Тошкент Марказий универмаги, «Ардус» супермаркети, «Чилонзор» савдо маркази, Чорсудаги «Болалар дунёси» универмаги, «Ганга» дўкони, Навоий кўчасидаги «Ўзсаламан» дўконидан сотиб олишга

таклиф этади

Улгуржи харидорлар учун маҳсулот имтиёзли нархларда сотилади.
Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун манзил:

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Фаёзов кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 8 (362) 22-9-21-78, 22-9-10-27.
Тошкентда: Олмазор кўчаси, 169-«а».
Мўлжал: «Бешёғоч» бозори ёнида. Телефон: 45-39-67

Туғилган кун — КИМ? ҚАЧОН?

15 ОКТЯБРЬ
Иброҳим РАҲИМ (1916) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Ҳаким НАЗИР (1915) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Обид РАСУЛОВ (1922) — шоир.
Рўза ФАЙЗУЛЛАЕВА — «Ўзбеккино» компанияси актёрлар бўлими бошлиғи.
Раъно МАҲКАМОВА — ўқитувчи.
Мукаррама ЖИЛОНОВА — ўқитувчи.

16 ОКТЯБРЬ
Маҳфуза БОБОТИЛЛАЕВА — Ўзбек миллий академик драма театр актёри.

17 ОКТЯБРЬ
Азим АЗИЗОВ (1944) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
Унсунхон ЭРДОНОВА — «Тановар» дастаси ходими.

18 ОКТЯБРЬ
Содиқ РАҲИМОВ (1971) — «Камолот — 90» ёшлар кўрик-танлови ғолиби.
Назокат ҚОРАХЎЖАЕВА — «Етти гўзал» дастаси раққосаси.
Гўзал ФАЙЗИЕВА — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри.

19 ОКТЯБРЬ
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (1948) — шоир.

20 ОКТЯБРЬ
Гулчеҳра ҚЎЛДОШЕВА — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театр актёри.
Тўхтамурод МУРОДОВ (1946) — киноактёр.
Исмоил МИРЗАМАҲМУДОВ (1947) — шоир.

21 ОКТЯБРЬ
Мамахол ЭЛМУРОДОВА — шоира.
Малика ИБРОҲИМОВА — Республикада хизмат кўрсатган артист.
Саттор ҲАМРОЕВ (1951) — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театр актёри.
Зайниддин КАРИМОВ (1964) — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театр актёри.
Тўра ПИРИМҚУЛОВ (1945) — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театр актёри.

Табриклаймиз, қутлаймиз!
???133-12-56!!! Қўнғироқларингизни кутамиз.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 42-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

[illegible]

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 42-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўғри келиши текширилади. 6 турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
15
41
64
26
45
59
22
68
73
Сони: 2
Чипталар рақами
2045340.3
4041447.3

2 ТУР
20
83
10
23
51
82
44
28
19
86
84
34
1
Сони: 1
Музлатгич
900000 сўм
Чипта рақами
5061669.3

3 ТУР
66
60
53
61
80
39
16
8
6
40
2
33
47
52
7
18
17
Сони: 1
1 хонали уй
1500000 сўм
Чипта рақами
4018194.1

4 ТУР
88
27
21
54
42
30
49
46
56
36
32
5
71
78
67
81
24
63
75
57
87
9
74
50
4
Сони: 1
«NEXIA» автомобили
7500000 сўм
Чипта рақами
5027966.2

5 ТУР
31
Сони: 3
Телевизор

6 ТУР
70
Сони: 3
Телевизор

7 ТУР
13
Сони: 2
Телевизор

8 ТУР
65
Сони: 2
Телевизор

9 ТУР
72
Сони: 2
Телевизор

10 ТУР
48
Сони: 7
Телевизор

11 ТУР
90
Сони: 15
Сумма: 1300

12 ТУР
77
Сони: 22
Сумма: 1200

13 ТУР
25
Сони: 54
Сумма: 1100

14 ТУР
35
Сони: 58
Сумма: 1000

15 ТУР
38
Сони: 69
Сумма: 900

16 ТУР
43
Сони: 87
Сумма: 800

17 ТУР
62
Сони: 191
Сумма: 700

18 ТУР
37
Сони: 263
Сумма: 600

19 ТУР
14
Сони: 456
Сумма: 500

20 ТУР
85
Сони: 643
Сумма: 400

21 ТУР
58
Сони: 1113
Сумма: 300

22 ТУР
69
Сони: 1472
Сумма: 300

23 ТУР
12
Сони: 2613
Сумма: 300

24 ТУР
3
Сони: 3770
Сумма: 300

Қўшимча тур

1001836.2	2028081.1	3049220.1	5032544.2	7034730.1	9008797.1
1008203.3	2033789.3	3050633.2	5039301.3	7035613.2	9010085.1
1010767.1	2039624.1	3050817.3	5041552.1	7036519.1	9019375.3
1017722.2	2042492.2	3052799.1	5059362.1	7037327.3	9025658.2
1020373.2	2047903.3	3056828.1	5064534.3	7037853.3	9029828.2
1022923.1	2049177.3	3058791.2	5066841.1	7038521.2	9031165.2
1030057.2	2049508.1	3059642.3	6008096.3	7040940.1	9031426.1
1034137.1	2050967.3	3068913.2	6012513.1	7041939.1	9035865.1
1039886.2	2053196.1	4002695.1	6012649.2	7049865.1	9036215.3
1047188.2	2061224.3	4004400.2	6016177.2	7049972.1	9038672.1
1049179.3	2064168.3	4008063.2	6016825.3	7050088.1	9048950.3
1052030.3	3003238.3	4010360.2	6021510.1	7056113.2	9054375.2
1052351.1	3009273.1	4040217.2	6025433.1	7063841.1	9055877.2
1053618.2	3011032.3	4041833.2	6031139.1	7067136.1	9057700.2
1057941.2	3012026.2	4043954.2	6031639.3	8003497.1	9065382.3
1064266.2	3015679.1	4048199.1	6039582.1	8004200.1	Сумма 500 сўм
1067105.3	3022301.2	4050949.1	6045411.1	8004519.1	
1067379.1	3023283.2	4057973.1	6053633.3	8007389.1	
1068843.1	3026401.2	4059991.1	6060243.1	8019828.2	
2004643.1	3031332.2	4060220.2	6062435.2	8028049.1	
2008387.2	3031600.3	5001678.2	6065321.1	8037343.2	
2014404.2	3032876.2	5002353.2	7004786.2	8046200.2	
2022421.2	3033382.3	5005844.3	7006453.3	8048580.2	
2023505.1	3034539.3	5018868.3	7017191.2	8064262.2	
	3041290.3	5022119.1	7023767.2	8066204.1	
	3047773.2	5025092.1	7029794.2	9005894.2	

Халтадан чиқмаган шарлар: 11, 29, 55, 76, 79, 89

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2001 йил 1 ноябрдаги 45-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур – 1 хонали уй (1500000 сўм),
2 тур – «НЕКСИЯ» автомобили,
3 тур – «ГАЗ-31» автомобили,
4 тур – «JEEP» автомобили,
5 турдан 10 тургача ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор ва қолган турларда катта пул ютуқлари.

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта таркатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ютуқлар Миробод тумани Халқ банки бўлими омонат кассалари ва «Лаура» ХФ ҳамда чипта тарқатувчилар томонидан ҳар куни якшанбадан ташқари тираж ўйналгандан кейин 10 кундан сўнг берилади.

Тошкент шаҳридаги омонат кассалари: 1. Опер. қисм: Нукус — Кафанов кўчаси, 2. Тел.: 152-55-16. 2. № 14/051: Туркистон кўчаси, 7. Тел.: 199-79-83. 3. 14/0232. А. Фитрат кўчаси, 28. Тел.: 191-47-63. 4. № 14/0359, Қўйлиқ-4-50. Тел.: 90-37-33. 5. № 14/0583, Миробод бозори, 2-қават.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy OMAR o'gli

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Farg'onada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2902
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA